

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлагон

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ № 243 (10.548) 2005 ЙИЛ 16 ДЕКАБРЬ

ТОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА СТИЛЛАР

● **ЎТГАН** куни Учтепа туман ФХДЕ бўлимида туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган семинар «Огоҳликка даъват» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари университетида талабалар иштирокида «Сен ҳуқуқингни биласанми?» мавзuida «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатида Тошкент Давлат юридик институтининг профессор-ўқитувчилари ҳамда магистрлари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партияси Марказий Кенгашида «Сенинг тенгдошинг» мавзuida ўтказилган тадбир наднавият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда уюштирилди.

● **БУГУН** Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтида «Маънавият ва маъри-

фат» маркази, «Камолот» ЁИХ Яққасарой туман бўлимилари ҳамкорликларида «Сен қонунни биласанми?» мавзuida уюштирилган курик-танловда талабалар беллашишди.

● **ЭРТАГА** 256-мактабда «Камолот» ЁИХ Мирзо Улугбек туман Кенгаши бўлими ташаббуси билан ўтказиладиган тадбир «Янги йил—янги кун» деб номланади.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Олимпия умидлари» спорт мажмуасида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими, Тошкент шаҳар Бадий гимнастика федерацияси ҳамкорликларида 1994, 1999 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадий гимнастика бўйича «Спортчи қизлар» деб номланган мусобақалар бўлиб ўтди.

● **202-МАКТАБДА** «Наврўз», «Хирмонтепа», «Кичик Хирмонтепа» маҳаллалари фаоллари, ёшлари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими томонидан ўтказилган тадбир «Хуқук ва бурч» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 8-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томондан 2005 йил 11 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2005 йил 2 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги 173-И-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 21-модда, 2004 йил, № 5, 90-модда) 8-моддасига қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин;

«архитектура ва қурилиш ҳудудий бош бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари эгадирлар».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 15 декабрь

XVI саҳоси

Барча малбалардан олқинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида республика энергетика, кимё ва электротехника sanoatларига бағишланган навбатдаги видеоконференция бўлиб ўтди. Унда «Навийазот», «Фаргона-азот» акциядорлик жамиятлари, Тошкент, Сирдарё ИЭСлари, «Фотон», «Алгоритм», «Сино» акциядорлик жамиятлари ва бошқа бир қатор корхоналар лойиҳаларининг тақдими ўтказилди.

● Республикаимизда шифер ишлаб чиқарадиган корхоналар сони яна биттага кўнайд. Оҳангарон шаҳридаги «Gold Shif» кўшма корхонаси шифер тайёрлашга ихтисослашган ҳолда иш бошламоқда.

● Сурхондарё вилоятидаги Тўпаланг ГЭСининг иккита кичик гидротурбинадан иборат биринчи босқинчи синовдан ўтказишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

● «Тони Грин» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси сабзавот ва меваларни энг етакчи экспорт қилувчилар қаторидан ўрин олди. Фақат жорий йилнинг ўтган ўн ойда вомида кўшма корхона умумий қиймати 2 миллион АҚШ долларилек 20 турдаги маҳсулотларни экспортга жўнатди.

● Поп туманида замонавий усуналар ва техника билан жиҳозланган янги ўт ўчириш бўлими иш бошлади. Икки қаватли бино хомийларнинг фаол ёрдамида бунёд этилди.

Жаҳонда

● Хорватиянинг собиқ генерали Анте Готовина Гаагадаги Халқаро трибуналга келтирилди. У Хорватиядаги қонли можароларни уюштиришда гумон қилиниб, ўтган ҳафтада Испанияда ҳибсга олинган.

● Лондон шаҳри атрофидаги Хартфордшир графлигида жойлашган асосий нефть омборхонасида чиққан кучли ёнғин бартараф этилди. «Бандсфильд» омборхонасидаги барча 20 та катта резервуарлардаги ёнғин ўчирилди.

● МАГАТЭнинг бир гуруҳ экспертлари кичик ва ўрта фаолликдаги радиоактив чиқиндилар ва фойдаланиб бўлинган ядро ёқилғисини сақлаш жойининг қурилиши учун мўлжалланган ерларни баҳолаш мақсадида Литвага келди.

● Хитойдаги кинотеатрларда Чен Кайнинг «Ваъда» номли янги фильмининг премьerasи бўлиб ўтди. Хитой тарихида энг қимматли ҳисобланган ушбу фильмининг бюджетти 42 миллион долларни ташкил этади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНING СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

2005 йил 24 декабрь куни СОАТ 11.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида учинчи чақирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг еттинчи сессияси бўлиб ўтади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2005 йил якунлари ва 2006 йилнинг асосий вазифалари тўғрисида;

— Тошкент шаҳри 2005 йилги бюджетининг ижроси, 2006 йилга мўлжалланган бюджет ва солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида;

— «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида.

Сессияда шунингдек бир қатор ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бунда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга берилаётган улкан эътибор муҳим аҳамият касб этмоқда.



ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрда қабул қилинган «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ички истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдиришни янада яхшилаш, ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналари муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ ҳар йили

ўтказиладиган ярмаркалар истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш, юртимиз корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларни маҳаллий ҳамда хорижий харидорларга сотиш, истеъмолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот сифати ва турларини ошириши имконини берапти.

Давоми 2-бетда.

Обуна — 2006

ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомдон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб муталаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс йақин кўндан чиқди. Қайси йилда нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчи-

га манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча нашрлар қатори бизнинг «Оқшом» тахририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг таълиф ва истакларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимши-лироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. «Оқшом» газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги руҳлар остида ранг-баранг мавзу-

даги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфирқ ва маслаҳатқўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шодлигингиз. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсатишимиз—563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

Мамлакат Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов томонидан 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент фракцияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти режаларида давлатимиз бошлиги қўйган вазифаларни ақс эттириш мақсадида мазкур режаларни тўлдириш тўғрисида тақлиф киритди. Тақлиф сиёсий партияларнинг барча фракциялари томонидан қўллаб-қувватланди. Қонунчилик палатаси мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

«Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Т.Назаров маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин мазкур ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси бўлиб ўтди. Муҳокамада сиёсий партияларнинг барча фракциялари вакиллари иштирок этдилар. Қонунчилик палатаси киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда мазкур Қонунни қабул қилди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Унинг муҳокамаси чоғида депутатлар мазкур ҳужжатни қабул қилиш жамиятимизни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Қонун лойиҳаси киритилган тақлифлар ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А.Турсунов «Давлат сир-

ларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Давлат сирларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида ахборот берди.

Савол-жавоблар ва қонун лойиҳалари концепцияларининг муҳокамаси чоғида депутатлар мазкур ҳужжатларни тақомиллаштириш юзасидан бир қатор тақлифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уларни бирин-

чи ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси А.Эрдонаев маъруза билан сўзга чиқди. Депутатлар мазкур ҳужжат муҳокамаси чоғида уни янада тақомиллаштириш юзасидан билдирилган тақлифларни муҳокама қилиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафхонов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йил тўқиз ойдаги ижроси яқунлари тўғрисида ахборот берди. Мазкур масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди. Савол-жавоблар ва сиёсий партиялар барча фракциялари вакиллари фаол иштирокида ўтган муҳокамадан кейин депутатлар тегишли қарор қабул қилиб, ҳисоботни тасдиқладилар.

«Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сонининг қисқартирилиши ва унинг тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Н.Аҳмаджонов тақдим этди. Савол-жавоблар ва мазкур ҳужжатнинг муҳокама-сидан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун руҳсатнома турларининг қисқартирилганлиги ва уларни бериш тартиб-қоидаларининг соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси А.Алимов ахборот берди.

Депутатлар қонун лойиҳаси муҳока-маси чоғида киритилган тақлифлар ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

13-15 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-
лиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

чи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов «Ипотека тўғрисида»ги ҳамда «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисидаги маъруза билан сўзга чиқди. Қонунчилик палатаси мажлисда сўзга чиққан депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва муҳокама қилиб, мазкур қонун лойиҳаларининг концепцияларини маъқуллади ҳамда уларни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикасининг Ҳўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Кредит уюмлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

ЎЗА

14 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси собиқ раҳбарлари, патруль-пост хизмати ва жомот тартибини сақлаш бошқармаси раҳбарлари ва масъул ходимлари, шунингдек, Тошкент шаҳридаги УЯ-64/18 муассасаси ходимларига — жами 12 шахсга оид жиноят ишини суд мажлисида куриш бошланди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ ОЛИЙ СУДИДА

Суд муҳокамаси Олий суд раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов, Олий суд судьялари Воҳиджон Назаров ва Маматжон Ганижоновдан иборат таркибда, давлат айбловчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиги Эркин Йўлдошев, масъул ходимлари Музаффар Мирсолихов, Ҳамид Ҳамроқулов ва 11 нафар жомиячи иштирокида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг матбуот хизматида маълум қилинишича, мазкур жиноят ишида давлат сирларига оид маълумотлар мавжуд бўлганлиги сабабли, суд томонидан суд муҳокамасининг давлат сирлари билан боғлиқ қисмини ёпиқ, қолганини, оммавий ахборот воситаларидан келган илтимосномаларга асосан, очиқ суд мажлисида куриш ҳақида ажрим чиқарилган.

Суднинг биринчи иш куни суд таркиби ва суд жараёни иштирокчилари эълон қилиниб, уларга нисбатан рад этишлар бор-йўқлиги, судланувчиларнинг шахси аниқланди. Судланувчиларга, жабрланувчиларга ва суд жараёнининг бошқа иштирокчиларига ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди. Иш бўйича давлат айбловчиси томонидан айблов хулосаси ўқиб эшиттирилди.

Дастлабки тергов ҳужжатларига қараганда, Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси собиқ раҳбарлари, ушбу вилоят патруль-пост хизмати ва жомот тартибини сақлаш бошқармаси раҳбарлари ва масъул ходимлари ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари, милиция ва ҳарбий

объектларнинг белгиланган тартибда қўриқланишини таъминламаганликлари, қурол-яроғ ва ўқ-дориларни сақлашда бепарволикка йўл қўйганликлари аниқланган. Оқибатда 2005 йил 12 майдан 13 майга ўтар кечаси террорчилар томонидан патруль-пост хизмати батальони, ҳарбий қисм, қамоқхона каби объектлар жиддий тўсиқларсиз эгаланниб, қўллаб қурол-яроғ ва ўқ-дори қўлга киритилган, юзлаб хавфли жиноятчилар қамоқхонадан ноқонуний озод қилинган. Террорчилик ҳаракатлари содир қилиниши оқибатида бегуноҳ фуқаролар вафот этган, давлат, жомот ва фуқароларнинг мулкига жуда кўп миқдорда зарар етказилган ҳамда оғир оқибатлар келиб чиққан.

УЯ-64/18 муассасаси ходимлари моддий манфаатдорлик эвазига озодликдан маҳрум қилиш жойида жазо ўтаётган «Акромийлар» диний экстремистик оқими асосчиси саналмиш Акром Йўлдошевга уяли телефон аппарати олиб кириб берган. У эса ўз навбатида ушбу телефон орқали жиноий шериклари билан боғланиб, террорчилик ҳаракатларини режалаштириш, қуроли ҳужумларни амалга ошириш каби жараёнларни уяли телефон ёрдамида мувофиқлаштириб турган.

Тергов органлари томонидан ушбу шахсларга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айб эълон қилинган. Судланувчилар айбларига иқров ва қисман иқров эканликларини билдириб, кўрсатма беришмоқда.

ЎЗА

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ УЛГҲРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Бу йилги аънавий улгўржи савдо ярмаркаси «Ўзбекистон» теннис клуби биносига очилди. «Озиқовқатсаноат», «Узгўштўтсаноат», «Емғойтамаксаноат» уюмлари, «Узмева-сабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, «Ўздонмаҳсулот» акционерлик компанияси таркибидagi ишлаб чиқариш корхоналарининг 2006 йил учун буюртмалар портифелини шакллантириш мақсадида ташкил этилган савдо ярмарка 17 декабрга қадар давом этади.

Ярмаркада иштирок этаётган турли мулк шаклидаги савдо корхоналари, ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар эътиборига келгуси йилда ишлаб чиқарилади-ган сут, гўшт, қандолат ва макарон маҳсулотлари, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, консервлар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари каби кўплаб турдаги истеъмол моллари тақдим этилган. Ярмарка мобайнида ишлаб чиқариш корхоналари ва истеъмолчилар ўртасида маҳсулот олди-сотдиси юзасидан қарийб саккиз юз миллиард сўмлик савдо битимлари тузиш мўлжалланмоқда.

— Корхонамизда асосан юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот қайта ишланади, — дейди «Андижон» очиқ акционерлик жамияти директори Т.Арзиев. — Ишлаб чиқарилаётган томат қайласи, мева шартбллари, консервлар, қиём каби етимиш турдаги маҳсулотимиз ҳоржий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Ҳонов иштирок этди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Саудия Арабистони Подшоҳлиги Шўроси (парламенти) Маслаҳат кенгаши Раиси Солих бин Ҳумайда бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкент Ислон университети фаолияти билан танишдилар.

ИНСОНИЙЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Университет ўқитувчилари ва талабалари билан учрашувда мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига, олий таълим ривожига катта эътибор берилаётгани таъкидланди. Буни мазкур университет мисолида ҳам кўриш мумкин. Марказий Осиёда ягона бўлган Ислон университетиде талабаларнинг пухта билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Солих бин Ҳумайда бошчилигидаги делегация аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейида ҳам бўлдилар. Меҳмонлар мазкур маънавият ва маданият маскандига асори-атиқаларни томоша қилар экан, Ўзбекистонда аждодлар хотирасини тиклаш ва абадийлаштириш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо бердилар. Юртимизда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар инсонийлик ва инсонпарварликнинг юксак намунаси эканлиги таъкидланди.

Саудия Арабистони парламенти делегацияси аъзолари Самарқанд шаҳрини ҳам зиёрат қилдилар.

ЎЗА

Нокланиш

МУБОРАК ЗИЁРАТ ОЛДИДАН

Бу йил мамлакатимиздан 5200 нафар ҳаётимизда муבורак Ҳаж зиёратини адо этиш мақсадида Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Уларнинг 1000 нафарга яқинини эса ҳамшаҳарларимиз ташкил этади. Шу боис, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Киночилар уйида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятдан Ҳаж зиёратига борувчи бўлгуси ҳожилар билан учрашув ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Аҳмедов, Вазирлар Маҳкамасининг диний ишлар қўмитаси раиси Шоазим Мунавваров, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Бахромовлар бу йилги Ҳаж зиёратини ташкил этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди.

Биз фурсатдан фойдаланиб бўлгуси ҳожиларнинг бир нечасини суҳбатга тордик.

—Муבורак Ҳаж зиёратига бориш, Маккаи Мукаррама ва Мадинаи мунавваранин эса қўзларим билан кўриш орзум эди, — дейди Юнусовдан тумани, 4-даҳада истикомат қилувчи Марҳабо ая Қораева. —Яратганга шукр, орзум ушалиш арафасида турибди. Худо хоҳласа табаррук Байтуллоҳга саждалар қилиб, Ватанимизнинг тинчлиги, Мухтарам Юртбошимизнинг энг юрт фаровонлиги йўлидаги хизматларига хайру барокат, фарзандларимизнинг бахту иқболини тилаш ниятиданам.

— Бундан 15-20 йиллар муқаддам Ҳаж зиёрати ҳақида гапириб оғир эди, — дея суҳбатимизга қўшилди С.Раҳимов тумани, Қорақашми 2/1 даҳасида яшовчи Аҳаджон ота Исо-мухаммедов. —Истиклолимиз шарофати билан Ҳаж зиёратини эмин-эркин амалга ошириш имкониятига эга бўлдик. Ҳозиргина мутасаббилар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпанияси билан шартнома имзолангани ҳақида тўхталиб ўтишди. Кўпчилик қатори замонавий «Боинг» самолётида Ҳаж зиёратини адо этиш олдидан барчага шу муבורак сафар насиб этишини тилайман...

Тадбир сўнида бўлгуси ҳожиларга «Зиё» студияси томонидан тайёрланган ибодат рўқнларини адо этиш ҳақида хикоя қилувчи «Ҳаж» фильми намойиш этилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ



Кулинг дўстлар, умрингиз узок бўлади.
Юсуфжон қизик Шакаржонов

Икки қўшни аёлнинг йўлкадаги суҳбати чўзилгандан чўзилиб... буткул бошқа мавзуга бурилиб кетди!

— Вой ўргилай, шуни илтимос қилманг мендан, барбир эсимдан чиқиб кетади. Мана, юқори қаватда турадиган Насибхон қўшимни ўтган кунни хуноб бўлиб, бизникига чиқди. "Чорсуда конфетлар жудаам қиммат эмиш" деди. Мен унга: "Ишхонамиз ёнидаги дўконда арзонгина конфет бор, бугун уч кило олдим" дедим. Шунда "Менгаам объекли беринг" деса бўлади!

Кичигининг тугилган кунни экан, дастурхонга конфет қўймаса бўлмасмиш. "Хўп, эртагаёқ олиб келаман" дедим. Шу денг, эртасига кечкурун ишдан қайтсам, эшигимиз ёнида қўшимнинг ўғли турибди. Шошибгина уяга кирдим. "Едимдан чиқарибман" дейишга уялиб, ўзимизга олган кечаги конфетни қўлига тутқаздим-да, айланай. Нима қилай, хотираминг чатоқлиги панд берди...

— Унақа деманг қўшни, сиздан кўра хотираси чатоқроқлар ҳам бор. Кечаги ҳафтада ўғлимнинг кундалигига муаллимаси: "Синфга парда олишга юз сумдан йиғаялмиз, сиз ҳам бериб юборинг" деб ёзибди.

Маош олгандим, шу кунийёқ пулни ўғлимга тутқаздим. Ордан тўрт-беш кун ўтди, ўғлимнинг кундалигини текшираётсам, яна муаллимасининг ёзуви: "парданинг пулини қачон берворасиз?" дебди. Ўғлимни койидим. "Пулни ўша кунийёқ берувдим-ку, айтмадингми муал-

КИМНИНГ ХОТИРАСИ ЯХШИ?

Ҳажвия

лиманга?" — дедим. "Берувдим шекилли." дейди ўғлим ҳам. Қаранг, ёшгина бўлиб ҳалитдан эсини йўқотган. Кимга ишонай, ўғлимгами ё муаллимасигами?!

— Ўғлингиз-ку кичик, уни кеңирса бўлар. Лекин кап-катта хотиннинг эси қаёқда. Шундай деймиз, ўзимиз ҳам гоҳо... Мана мени олинг. "Дафтар олиб келинг" деган кизимга: "Дўкон ёпиқ экан", дейман. "Китоб олиб беринг" деган ўғлимга: "Китоб сотадиган жой таъмирда экан", деб бахона қиламан. Ахир, кундузи иш билан овора бўлиб, буткул ёдимдан чиқади-да. Бир кунни роса қизардим денг. "Китоб сотадиган жой таъмир-

дан чиқдими аяжон?" деб сўраб қолди ўғлим. "У ерни ремонтда деб ким айтиди сенга", дебман. Буни қаранг, ўзим топган бахонам ўзимнинг ҳаёлимдан кўтарилди. Хотирам курсин.

— Мен-чи, мен, бошлғимиз топширик берса, унутиб қўйиб, нукул дашноно эшитардим. Энди бўлса, ҳар бир топширикни ён дафтаримга сўзма-сўз ёзиб оламан. Сўнг тайинланган ишларни битириш учун зарур кишиларга бирма-бир кўнғироқ қиламан. Кўнғироқ рақамини тараётиб ўша дафтарчадан кўз узмай тураман денг, тагин кимга кўнғироқ қилаётганимни унутиб қўймай деб...

— Сиз буни айтасиз, мен ҳар кунни ишга кетаётиб, эшикни

филгани, хатто исминиям эс-лолмас экан улар. Худо шунақасидан асрасин. Ахир биз аёлларнинг бошимизда минг бир юмуш, хотирамиз ҳам ўзимизга ўхшаб чарчайди. Лекин эркакларнинг хотираси ҳаммаша жойида.

— Кўйсангиз-чи, сизнингча эркакларнинг хотираси жойида эканми? Сизникини билмадим-ку, бизнинг хўжайин ҳар гал: "Дам олиш кунинда театрға тушамиз онаси", дейди. Айтган кунлариде эсига солсам "Э, бугун чойхона паловға ваъда бериб қўювдимку, театр ёддан чиқибди, аттанг", дейдилар. Тунов кунни "Неча вақтдан бери "Чимилдик"қа олиб кирмадингиз-ку", дедим. "Чимилдикқа бир марта кирганинг етмайди", дейдилар. Қарасам, ҳазил билан қутулмоқчилар. "Бу сафар алдолмайсиз, шу яқинда театрға опкирасиз", дедим. "Хўп, хўп", деб ишга кетдилар. Ордан бир кун ўтиб эрталоб шимларини дазмоллаб, дастурмолини алмаштирай десам, чўнтақларидан учта театр чиптаси илашиб чиқди. "Хой, манави чипталар кимгайди?", дедим. Хўжайин пешонасига "шап" этиб урдилар. "Сизларга олудим бу чипталарни, кеча айтиш ёдимдан чиқибди-ку", дейдилар.

— Бу хотира дегани ўтмас-лашса ёмон-да. Тунов кунни телевизорда бир олим айтди. Ҳар кунни уч маҳал эллик грамман кишиммиш ёйлса, хотира яхшиланаркан.

— Ростданим, уч маҳал эллик грамман дедингизми? Тўхтанг, ёзиб олай. Қани менинч ручкам? Вой, мен ўлма-сам!

— Ҳа, нима бўлди?
— Сумкам идорада қолибди...

Гулчехра ЖАМИЛОВА

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

Ҳақим бир беморга:

— Гўшт билан балиқ еманг, — дебди.

— Эй, биродар, гўшт билан балиқ сотиб олишга қўрбим етганда, эхтимол сенин олдинга келмаган бўлармидим, — дебди бемор.

Хотин ҳақл аралаш эрига деди:

— Сиз қандай куёвсиз ўзи. Онам меҳмонга келсалар бундоқ одамга ўхшаб меҳрибонлик кўрсатмайсиз, шаҳарни сайр қилгани олиб бормайсиз?..

— Кошки шундан бирор наф чиқса, — деди эр бамайхотир. — Онанг шаҳарнинг ҳамма ерини беш қўлдай билади. Адаштиришинг ҳам иложи йўқ.

Янги уйланган йигитдан дўстлари сўрашди:

— Хўш, қани гапир-чи, оилани ким бошқарпти? Сенми ёки келин?

— Ҳозирча қайнонам бошқарпти, — деди йигит.

Уй эгаси меҳмонларни огоҳлантиряпти:

— Бу диванга ўтирманглар, ичи тўла қана.

— Унда кўчага олиб чиқиб ташланг!

— Чиқариб ташласам, каналар яна олиб киришяпти.

Ўлимга маҳум қилинган маҳбус қамқонда қочибди. Унинг фотосуратларини уч кўринишда, тўғрироғи чапдан ва ўндан олиб кўп жойларга юборишди.

Эртаси қўшни шаҳардан хабар келибди: "ФОТОсуратларни олдиқ. Жиноятчилар қўлга тушди. Уччала жиноятчи ҳам отиб ўлдирилди".

— Мен Италияга боришни жуда ҳам орзу қиляман. Сенинча неча сўм бўларкин?

— Хеч қанча.
— Қанақасига?
— Одий. Орзуларга пул тўланмайди.

— Ихтисосингиз нима?
— Кинолог.

— Шундайми? Нечта кинофильм ишлагансиз?
— Нималар деяпсиз, мен ахир зотдор итларни боқаман.

— Иккисизми?
— Кинолог.

— Шундайми? Нечта кинофильм ишлагансиз?
— Нималар деяпсиз, мен ахир зотдор итларни боқаман.

— Иккисизми?
— Кинолог.

— Шундайми? Нечта кинофильм ишлагансиз?
— Нималар деяпсиз, мен ахир зотдор итларни боқаман.

— Иккисизми?
— Кинолог.

— Шундайми? Нечта кинофильм ишлагансиз?
— Нималар деяпсиз, мен ахир зотдор итларни боқаман.

— Иккисизми?
— Кинолог.

— Шундайми? Нечта кинофильм ишлагансиз?
— Нималар деяпсиз, мен ахир зотдор итларни боқаман.

— Иккисизми?
— Кинолог.

— Шундайми? Нечта кинофильм ишлагансиз?
— Нималар деяпсиз, мен ахир зотдор итларни боқаман.

— Иккисизми?
— Кинолог.

— Шундайми? Нечта кинофильм ишлагансиз?
— Нималар деяпсиз, мен ахир зотдор итларни боқаман.

— Иккисизми?
— Кинолог.

— Шундайми? Нечта кинофильм ишлагансиз?
— Нималар деяпсиз, мен ахир зотдор итларни боқаман.

— Иккисизми?
— Кинолог.

ОХИРИ СИНДИ Ҳангома

Шоқосимнинг кўнглида кўлдан бери қассоблик қилиш нияти бор эди. Таваққал, деди-ю чўл воҳасидаги ширкат хўжалиқларининг бирига оиласи билан кўчиб бориб, бўрдоқи боқиш билан шуғулланди. Кўп ўтмай аҳолининг оғирини енгил, узогини яқин қилиш мақсадида гўшт дўкони очди. Энди хўжалиқ аҳли тўрт-беш чақирим йўл босиб туман марказига қатнашдан қутулди.

Аввалига қассобнинг орзу-истаги рўёбга чиқиб, ишлари юришгандай бўлди. Дўконга келиб-кетувчи миқозларнинг сони ортди, семиз гўшт ҳар доим харидорғир бўлади. Аммо баъзилар рўзгорчилик ва камхаржликларидан гўштни насияга олишларига тўғри келарди.

— Икки кило торт, ўғлим, — деди олтишларни қоралаб қолган отахон, — Пулини нафақа олганимда берарман.

Шоқосимнинг кўнгличанлиги қолмади. У гўштни торозидан олганча, отахоннинг исми-шарифини ён дафтарига қайд қилиб қўйди. Лекин қассоб қанчадан-қанча миқозларининг ҳолатини чиқармади дейсиз? Баъзида шошқалоқлик қилиб насияга гўшт олганларнинг исм-шарифларини билолмай уларнинг кийим-боши, юриштириши ва афт-ангорига қараб ён дафтарига қайд қиладиган бўлди: кўк каталик қўйлак — 3 кило, беқасам тўн — 1 кило, шоп мўйлов — 2 кило...

Охир-оқибат шошқалоқлик, кўнгличанлик Шоқосим қассобга панд берди. У гўштни торозда тортми миқозларига тарқатаркан, насия пулларини кимлардан ундириб олишни билолмай боши қотди ва охири синди.

Абдулла САИДОВ



Аския ва пайровлар доимо отахонлар йиғилган давраларда авж олади.

Яқинда кўқонлик аскиячилар йўлдошхон Носиров билан Неъматжон Тошматовлар Тошкентда бўлиб ўтган аския кечасида қариндош-уруғчилик пайровида от суришиб, кўпчилик кулги шинавандалари олқишига сазовор бўлдилар. Куйида ушбу аскияни эътиборингизга ҳавола этамиз.

НЕЪМАТЖОН: Йўлдошхон ака, бозор иқтисодиёти авжга чиқиб, ишларингиз кўпми, бирор марта ҳам эсламайсиз, талай вақтдан бери ХОЛАМни сўрамай қўйдингиз?

Йўлдошхон: — Э укажон, уйингизда ўтирсангиз бўлмайди, қачон борсам, чойхонага чиқиб кетаркансиз, КУНДА ОШ бор, деб...

НЕЪМАТЖОН: — Кеча хабар олай деб борсам, уйингиздагилар арз қилишди: юракларни тор, савлода сал ишлари юришмаяпти, дейишиб. Уларга айтдим: ундай бўлса улфатларига қўшиб қўйинглар, ОВинСИН!

Йўлдошхон: — Укагинам, сизлар билан улфатчилик қилган хурсанд бўлар-

миди, мана, келганимга бир соат бўлди, чой келтириб қўймайсиз-ку, ҚАЙНАСин, деб.

НЕЪМАТЖОН: — Шунақа шошиб турган экансиз, дарров туриб, ўзим ҚАЙНАТАман, демайсизми?

Йўлдошхон: — Айтганингиздек, қараб туриямди, уннаб кўрдим, кумгонин-

сиз, дейишиб.

Йўлдошхон: — Мени фаҳмсиз дейишса дейишаверсин, ўзингизга қийин, ишламай ётиб ейишингизга ТОҒАМ чидамайди-ку, ахир!

НЕЪМАТЖОН: — Ишга бормаётганимга хали ҳафта бўлмай, менга дангаси, деган ОТАМ қўймочки бўляпсиз-а!

Йўлдошхон: — Дангасамасиз, яқинда ўзим кўрдим, лой тепяпис, ПОЧАНГизни қайтариб олиб...

НЕЪМАТЖОН: — Шунанганга лой тепарда ёрдамга келиб, сени

Йўлдошхон: — Келинг, гапни чўзмайлик, иккимиз ҳам бир биримизга қариндош-УРУҒМиз, ахилликча нима етсин!

НЕЪМАТЖОН: — Аслини олганда сиз ТОҒАСиз, мен жиян — ЖАЯМ тортишмайлик. Иккимиз ҳам саломат бўлайлик!

Пайровни оқса кўчирувчи:
Олим КЎЧҚОРБЕКОВ

Аския

ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК ПАЙРОВИ

гизнинг тагига тош бойланганми, БУВИСИ /бугиси/ чиқмайди-я!

НЕЪМАТЖОН: — Ўзи сизга ҳеч нарса ёқмай қолибди, ака. Ҳамма нарса тахт бўлса ҳам У КАМ-бу кам, девераркансиз.

Йўлдошхон: — Сизга тушунолмай қолдим, мени кўрсангиз, қилдан қийик ахтараяпсиз, билиб қўйинг, ҳақлим чиқса ураман. ДОДАМ денг-чи?

НЕЪМАТЖОН: — Акажон, урсангиз одамлар маломат ёғдиришади: О, ПАМ-

Саҳифа материалларини кулги устаси ЧАҚҚОНБЕК ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИНИНГ ТОКИО ҒАЛАБАСИ

Японияда қўл кураши (Армрестлинг) бўйича ўтказилган XXVII жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 8 та олтин, 3 та кумуш ва 7 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Дунёнинг 38 мамлакат вакиллари иштирок этган ушбу мусобақаларда ўзбекистон термаси энг кам сонли жамоалардан бири бўлди. Лекин шунга қарамай, эришилган натижалар ва умумий рейтинг кўрсаткичлари бўйича у чемпионатнинг энг сармаҳсул терма жамоаси, деб эътироф этилди.

Фахрийлар, ўсмирлар, аёллар ва ногирон спортчилар ўртасида ўтказилган беллашуларда мамлакатимиз қўл кураши усталари иштирокидаги ҳар бир баҳс тошабинларнинг алоҳида эътиборида бўлди. Айниқса, 110 килограмм вазн тоифасида юртдошимиз Фарид Усмонов ўтказган муросасиз беллашулар чемпионатининг марказий воқеалари сифатида тилга олинди.

Мусобақанинг дастлабки босқичларидан йўқотишларисиз ўтган юртдошимиз чорак финалда Япония армрестлинг юлдузи Ёшинобу Канаи билан беллашди. Минглаб япониялик мухлисларнинг хайқириқ ва олқишлари остида ўтган бу кураш бўлажак жаҳон чемпиони учун мусобақа давомидаги энг муҳим синов бўлди. Юртдошимиз дуносиб рақибининг манавий устунлигига қарамай ўзининг ҳақиқий Алпомиш авлоди эканини исбот этди. Финалда Ф.Усмонов сайёрамизнинг энг кучли қўл курашичиларидан бири саналувчи украинлик Андрей Пушкарни ҳам мағлуб этди. У мусобақанинг энг нуфузли вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди.

Худди шунингдек, 49 кг вазн тоифасида аёллар ўртасида ўнг ва чап қўлда курашувчи спортчилар орасида майдонга тушган Сарвиноз Тонгтаровага ҳам тенг келадигани тоғилмади. Юртдошимиз ўз рақибларини иккала қўлда ҳам мағлуб этиб, мусобақанинг бош совриндори бўлди.

«Жаҳон» АА
Токио

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

17 ДЕКАБРЬ, ШАНБА
Бугунги кун яқинларингиз, айниқса ота-оналарингиз ҳақида ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ бўлиб, умуман уйга, оилага бағишланади. Кўпроқ дам олиб, ухлаб, вақтингизни оила аъзолари билан ўтказганингиз маъқул.

Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масаласини ҳамда амалий учрашувларни кейинроққа қолдириб, жисмоний ҳориб-чарчаш, турли хил режалар тузиш ва қовушмаган ишларни бажаришдан сақланг. Бугун ҳар қандай машғулот сизга хурсанд-чилик ва мамнуният келтириши керак. Жанжал-можаролардан, кескин вазиятлар ва тўс-тўполонлардан ўзингизни олиб қочинг.

Тушларингиз ўнгидан келади. Уларни эслаб қолиш ёки ёзиб қўйишга ҳаракат қилинг.

Бугун ҳам ошқозон, жигар ва кораталоқ кечагидай заифлашган ҳолатда бўлади.

Хаворанг, оқ ва кумушранг либосларга бугун устуворлик беришингиз мумкин. Барча хил қизил ва зарғалдоқранг кийимларингизни жавонингизнинг нариги чеккасига сулриб қўйинг.

Кучли спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш, тиш оғриғи ҳамда суяклар ва бўғимлардаги оғриқларга чи-

даб ўтиришдан ўзингизни тийинг.

18 ДЕКАБРЬ, ЯҚШАНБА
Мунажжимлар бугунги омишингиз қандай меҳнат қилишингизга боғлиқ деб тавсифлашган. Эришадиган натижаларингиз меҳнатсеварлигингиз ва иш қобилиятингиз, салоҳиятингизга боғлиқ экан.

Шу кунги туғилганлар одатда ҳаётда узоқни кўзловчи режалар билан яшаши ва улар асосида ҳаракат қилишга интилишади. Лекин ҳаёт уларга қутилмаган зарбалар берганида тўхтаб қолишади. Улар – астролог (мунажжим)лар, олимлар, механиклар. Ҳар қалай, мунажжимлар бу кунни келажак эшикларини очувчи кун дея таърифлашгани кўпроқ диққатга сазовор.

Ошқозонингизни эҳтиёт қилинг. Кеча бориб юрак-кон томир тизими заифлашади.

Танангизнинг ҳаддан ташқари совиб кетишига йўл қўйманг.

19 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА
Мунажжимлар фикрига кўра, бугун ҳар қандай сафарларни тўхтатиб туриш, гипнозчилар ва экстрасенслар билан мулоқотлардан йироқроқ бўлиш керак. Лекин бошиқлар билан дўстлашиш ва улар билан алоқалар ўрнатиш ҳамда кийим-кечаклар ва қим-

матбаҳо зеб-зийнатлар сотиб олиш учун бугунги кун хайрли ҳисобланади.

Шу кун биرون-бир иш билан мустақил шугулланиш ман этилади. Зеро, бундан олдин ҳар биримиз ўзимиздаги манманлик ва худбинлик иллатларини енгиб ўтишимиз, ўзимизга устоз топишимиз керак бўлади. Бугун экин экиш, кўчатларни кўчириб ўтказиш, юк ташиш, савдо-сотиқ ишлари учун омадли бўлмайди.

Хамиша айтганингизни сўзсиз бажариб келган кишилар бугун буюрған ишингиздан бўйин товлашларига ажабланмасангиз ҳам бўлади. Зеро, Ой тақвимиинг 18-куни воқеалар ривож келгани бир неча ой давомида юз бериб келатган ҳодисаларнинг кўзгудаги аксидаги намоён бўлган. Юзага келган вазиятдан осонроқ чиқиб олиш учун ўзаро муроаса йўлини кидиришга тўғри келади.

Рамзий ёки дудмал тушлар бугун таъбир қилинмайди. Ёркин ва тушунарли тушлар жуда тез ўнгидан келади. Тушда таомларни, айниқса сутни кўриш – яхшиликка.

Бугун кўп ухлаш мумкин эмас. Акс ҳолда ўзингизни ҳаста ва синиққан ҳолда кура-сиз. Хаммом, уқалаш, терини тазаловчи муоалалар фойдали.

Бу — кизик

ТАСАВВУР ЭТОЛМАЙСИЗ

Ғарб мамлакатларида санъат асарларининг нархи ҳаддан ташқари қимматлашиб борапти. Сўнгги вақтларда уларнинг нархини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Жумладан Нью-Йоркдаги ким ошди савдосида Деганнинг рангдор юмшоқ қалам билан чизилган картинаси яқинда 3,3 миллион долларга, Ренуарнинг асари эса 2,5 миллион долларга сотилди. Лондонда Голланд абстракционисти Пит Мондианнинг асарларидан бири икки миллион доллардан қимматроқ баҳоланди, испан сюрреалисти Хуан Мироннинг асари эса 1,5 миллион долларга сотилди.

Асори атиқа мебелларнинг нархи ҳам астрономик рақамлар билан ифодланади. Масалан, Людовик XVI га қарашли бўлган лак қопланган столча 1,5 миллион долларга сотилди. Харидорларнинг асарияти америкалик миллионерлардир. Улар санъат асарларини «гузалликка муҳаббат» туфайли сотиб олишадиган йўқ, аксинча ана шу йўл билан ўз капиталларини фойдаси билан жойлаштиришапти.

УМР ЙЎЛДОШИДАН ҲАМ АФЗАЛ

«Сиз уй ҳайвонларингизга қай даражада содқисиз?» — Лондондаги жамоат фирмини аниқлаш институти Буюк Британия уй ҳайвонлари мухлислари жамиятининг аъзоларига ана шу савол билан мурожаат қилдилар.

Сўроққа тутилганларнинг учдан бир қисми «итлар ва мушуклар биз учун иш ва пулдан ҳам муҳимроқ» деган жавоб беришган. Ҳар ўн аёлдан бири эса севган ҳайвонини эридан ҳам афзал кўрар эди.

ТОШБАКА... ҲИБСГА ОЛИНДИ

Гонконгдаги дастлабки ҳибсга олинганлар сақланадиган камерада бир тошбақа сақланмоқда.

Осмонпўлар бинонинг юқори қавагиндан қўлаган бу тошбақа тўғри йўловчилардан бирининг бошига келиб тушибди. Тошбақа ўз хоҳиши билан дераза ошиб кўчага қўлаб тушиши мумкин эмас. Аниқроғи уни бирор ёвуз няятли киши улоқтирган. Аммо у тошбақани шунчаки безорилик қилиб улоқтирганми ёки жабрланувчини мўлжаллаб отганими — буни аниқлаш лозим. Ҳозир тергов ишларини бошлаган Гонконг полициячилари олдда ана шу саволлар қўндаланг турибди. «Биз унинг эгасини аниқлаганимизча тошбақа ашёвий далил сифатида дастлабки ҳибсга олинганлар камерасида сақланади», — деб маълум қилишди Гонконг полиция бошқармасининг вакиллари газет ва телевидение мухбирларига, деб хабар беради «Франс пресс» агентлиги.

ШИРАКАЙФ «РЕКОРДЧИ»

Франсуа Д. исмли шахсини автомобиль магистралларида олдига қараб эмас орқага қараб юриш бўйича «жаҳон рекордчиси» деса бўлади.

У Кани районидagi гавжум автомобиль магистраллари бўйлаб бир неча километр тескари томонга юриб ана шу «унвонга» сазовор бўлибди. Талайтина ичкилик ичиб машина рулига ўтирган бу «рекордчи» бошқа ҳайдовчиларнинг бахтига полициячилар вақтида қўлга олишибди. Мазкур воқеага шунчаки киноя билан қараш мумкин эди. Афсуски, статистика аянчли воқеалардан далolat беради: бир йилда Франция йўлларда 11 минг киши автомобилларни маст ҳолда бошқараётган шофёрларнинг қурбони бўлаётган экан.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ 2005 ЙИЛ 6 ДЕКАБРДАГИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ТУГАТИЛГАН ҚОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ

№	Қорхона номи	Мақоми	СТИР	Рўйхатга олинган қарор синаси ва рақами	ХТУТ (ОКРО)	Хўжалик судининг қарор рақами	
1	RIVOJLI QADAM	МЧЖ	204976716	01.04.2003	000274-03	19512530	10-0512/11828
2	TMC-YOL	ХФ	202382531	23.09.1997	513/7		10-0512/11829
3	SHARM TUR	МЧЖ	203868652	12.01.2004	03-000188	18416095	10-0512/11830
4	FOYDALI ISTIQBOL	МЧЖ	205264184	05.11.2004	000628-03	19816595	10-0512/11831
5	ЛАБОРАТОРИЯ 543	Л	201052322	03.09.1992	239/8-8	14835406	10-0512/11832
6	САБУХИ (МП)	КК	200517703	27.02.1992	11/1-23	15003760	10-0512/11833
7	НIP	ХФ	200821570	22.12.1999	2287 (15)	15327385	10-0512/11834
8	МАКСАД-ХАМКОР (АООТ УК)	АЖ	202127450	07.01.1997	2,888		10-0512/11835
9	FARMATSEVT	ШК	204379477	12.02.2003	375	18879599	10-0512/11836
10	TEKKO	МЧЖ	202919192	22.08.2005	001086-03	17382454	10-0512/11837

Мазкур қорхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Миробод тумани ҳокимлигининг махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автотранспорт воситаларининг очик қилишди савдоси ўтказилади.

- 2005 йил 27 декабрь куни қуйидаги автотранспорт воситаларининг қимовиди савдоси ўтказилади:
1. «BA3 2104» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 К 90-74, бошлангич нархи 1120 000 сўм, техник носоз — Юнусобод-170/4
 2. «Москвич 412 ИЭ» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 81-41, бошлангич нархи 327 680 сўм, техник носоз — Шайхонтоҳур-574/13
 3. «Газ-31029» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AL 729 бошлангич нархи 351 558 сўм, техник носоз — Сергели — 255/4
 4. «Зил-ММЗ-4502» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 631, бошлангич нархи 298 000 сўм, техник носоз — Сергели — 234/4
 5. «Иж-21251» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 G 92-90, бошлангич нархи 181 000 сўм, техник носоз — Учтепа — 230/4;
 6. «Иж-2125» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 O 73-85, бошлангич нархи 320 000 сўм, техник носоз — Юнусобод — 173/4;
 7. «Нексия» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 85-

- 75, бошлангич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз — Юнусобод — 244/4;
- 2006 йил 17 январь куни қуйидаги автотранспорт воситаларининг қимовиди савдоси ўтказилади:
1. «Газ-31029» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AZ 125, бошлангич нархи 1 754 015 сўм, техник носоз — Учтепа-289/4;
2. «Нексия» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 V 60-80, бошлангич нархи 6 358 125 сўм, техник носоз — Чилонзор-291/4;
3. «Тико» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 D 32-11, бошлангич нархи 5 690 700 сўм, техник носоз — Юнусобод-2704 1.

Қимовиди савдолари соат 16-00да бошланади.
Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтининг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 10.00дан 16.00га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва қимовиди савдоси бошлангичидан 3 кун аввал тўхтатилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

Тошкент Давлат цирки 2005 йил 28 декабрдан бошлаб 2006 йил 10 январга қадар

БОЛАЖОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН!
Майтаб йўловчиларнинг кичики таътил кўчаларига
Тошкент цирки манежида

**«КУВНОК САЁХАТ ЁКИ
ЯЛМОФИЗ
КАМПИР ҚАРШИ»
ЭРТАК-САРГУЗАШТИ**

Томошалар: 28, 29, 30, 31 декабрда соат 12.00, 14.00, 16.00 да; 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 январда соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади. Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлабди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Шарқ дурдоналари



● Меваларни ейишдан аввал ювиш керак. Чунки кўп жониворлар уларни ифлослантирган бўлади. Айниқса, узумни шундай қилиш кўпроқ таъкидланади. Ювиб емаслик баъзида ўлимгача олиб боради. Овқатдан кейин кўл ва панжаларни ювиб, тозаломок зарурдир. Уй эгасининг қондаси шундайки, у овқатдан аввал қўлини ювиб, овқатдан сўнг энг охирида ювади. Утирганларнинг кўл ювишини чўзмаслик ва бошқаларни мунтазир қилиб қўймаслик зарур. Сувдан тезда кўл тортомқлик керак, токи бошқаларга навбат тезроқ етади. Қўлни либосга артамаслик керак. Бу фахмсизлик аломатидир. Агар дастурмоли бўлмаса кўлни юзга ёки соқолига суртмоқ керак.

● Тежамкор одам яхши ейди, яхши ичади, покиза кийинади, хушхаво уйларида яшайди, кераксиз нарсаларни сотиб олавермайди, ҳақиқий зарур нарсаларнигина харид қилади. Бировларга қўлидан келганча ёрдам қилади. Яхшилиқ йўлидаги ишларга пулини аямайди, саховатли бўлади. Ватани ва халқи учун молини ҳам, пулини ҳам аямайди.

● Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайди. 10 сўмга олинган нарсани учун ховлиқиб, 100 сўм сарф этмайди. Пулни фақат керакли нарсаларгагина сарфлайди. Ҳар бир ишда ўртача йўл тутайди.

ХИКМАТ. Хинд ҳақимларининг киноя қилиб ёзишларида ўз мол-мулкларини яхшилик йўлида сарфламидиган бахил кишилар «сахий» кишилардир. Чунки ўзлари емай, ҳаммасини ўзгалар учун қолдирдилар.

Қитъа:
Туриб дарё лабида бутимор қуш,
Чекар дарё сувидан доимо гам.
Ўзича ўйлағай ичсамми ё йўқ,
Агар ичсам бўлар дарё суви кам.
Дилида ҳиммати йўқ хар бахилнинг,
Шу қушга ўхшаган феълу иши ҳам.
Хирсининг ўткирлигидан нонини,
Ўз-ўзига кўрмағай лоийқ, укам!

● Ҳурматли устозим айтар эди: «Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарсани сабаб бўлади: ёмон сув, аччиқ тутун, бадбўй хид ва ҳазим бўлиши қийин каттиқ емиш»

Хикмат аҳлларининг китобларида иллатни пайдо қилувчи нарсани олтига дейилади: «Тунда кам ухлаш, кундузи кўп ухлаш, пешобни узоқ туттиш, тўқ қоринга яна овқат ейиш, кечаси совуқ сув ичиш.

Одамзот кўп ейишни асло одат қилмаслиги керакки, ҳақиқатан ҳам кўп ейиш хайвонлар одатидир. Хикмат қонун-қондаси бўйича эса номақбулдир. Демак, инсон овқат ейиш борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Имкон борича кам ейиши, тўғри келган вақтда овқатланавермаслиги лозим. Яна шундай қилган киши табибга асло муҳтож бўлмайди.

Мини-футбол

ЧЕМПИОН ҚИЗЛАРИМИЗ ҚУТЛАНДИ

Олимпия шон-шухрати музейида яқинда Таиландда ёпиқ иншоотларда ўтказилган аёллар ўртасида мини-футбол бўйича биринчи Осиё ўйинлари голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, мини-футбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси бундай нуфузли мусобақаларда илк бор қатнашаётганлигига қарамасдан, барча кучли рақибларини кетма-кет мағлубиятга учратгани ҳолда қитъа чемпиони бўлди.

Ўзагини умидли ёшлар ташкил этувчи аёллар терма жамоамизнинг Осиё ўйинларидаги ғалабаси, албатта юртимиз спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйлади. Ғалабанинг ширин лаҳзалари ортда эса қундалиқ мураккаб машғулотлар, тайёргарлик жараёнида тинмай тўқилган

терлар ётибди, албатта.

Келинг, мини-футбол бўйича аёллар терма жамоамизнинг ғалаба сари босган қадамларини бирма-бир ёдга олайлик.

Дастлабки ўйинда юртдошларимиз Индонезия терма жамоасига қарши майдонга тушишди. Шу куни терма жамоамизнинг энг сермахсул ҳужумчиси Гулнора Аъзамованинг ажайиб спорт формасида эканлиги муҳлисларимизни ниҳоятда хурсанд қилди. Гулнора рақиблар дарвозасини уч бор беҳато нишонга ола билди. Ўйин эса ўзбекистонлик аёлларнинг 6:1 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан якунланди.

Филиппинлик қизлар билан ўтказилган иккинчи ўйин ҳам футболчиларимизнинг йирик ғалабаси билан якунланди.

Майдон эгалари билан ўтказиладиган ўйинлар доимо мураккаб кечади. Бу гал финал баҳсида қизларимизга Таиланд терма жамоасига қарши майдонга тушишга тўғри келди.

Рақиблар кучи ўзаро тенг эди. Биринчи бўлим юртдошларимизнинг ҳисобдаги кичик устунлиги билан ниҳоясига ет-



КАТТА БЎЛСА ҚУЙИЛИБ ҚОЛАР

Ёшликдан бирга катта бўлган қадрдоним Ҳамидуллани бетоб деб эшитиб, кўгани ховлисига бордим. Эшикни унинг ўғли Ҳикматилла очди. Енида беш-олти ёшли кичкинтой. Хол-аҳвол сўраганимиздан кейин Ҳикматилла болага ишора қилиб: «Бу бизнинг ўғилча» деб қўйди. Кейин унга: «Отангга салом бермайсанми?» деди. Шунда бола: «Танимаган одамга нега салом бераман» дегандек орқасига терс ўгирилиб кетди.

Ҳикматилла унинг бу қилмишидан қотиб-қотиб қолди. Завақ билан ўғилчасининг орқасидан термулди қоларкан деди:

— Бизнинг ўғилча шунақа, сал шўхрок, эрқароқ. Бола-да бола, катта бўлса қуйилиб қолар.

Ота ўғлининг бу қилмишини оқлаб ўзини бу қадар хотиржам тутиши бизни ҳайратга солди. Афсуски кўпинча шундай бўлади: боланинг ноҳўя қилмишини кўра-била туриб, уни ўз вақтида тежаб-тергамаймиш, камчилигини ётиги билан тушунирмаймизми, эсини таниса қуйилиб қолар, деган хом хаёл билан ўзимизни хотиржам тутамиз. Болага нисбатан мана шу бепарволик оқибати бора-бора мудҳиш натижа билан яқунлишини хаёлимизга келтирмаймиз.



ган бўлса-да, иккинчи тайминг бошларида таиландликларнинг кетма-кет ҳужумлари натижада яқунлиб, рақиблар 4:2 ҳисобида олдинга чиқиб олишди. Шундай қилиб, сўнгги дақиқаларни йиғинчоқлик билан, бор куч-маҳратларини ишга солган ҳолда ўтказган спортчиларимиз 5:4 ҳисобидаги ғалабага эришиб, қитъада биринчи бўлишди...

Олимпия шон-шухрати музейида голиблар Ўзбекистон мини-футбол ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Чемпионлар шаънига энг илиқ сўзлар айтилди.

Тадбир давомида аёллар ўртасида иккинчи мамлакат чемпионатида кўра ташлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, ўтган йилгига қараганда мини-футбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати иштирокчилар сони ошди. Келгуси мавсумда мамлакатимизнинг кўпгина вилоятларидан 12 та жамоа чемпионни аниқлаш мақсадида ўзаро куч сынашади.

Альбина РАДЖАПОВА

Бола туғилгандан оқун тарбиясига киришиш керак, деган жавобни берган экан.

Ҳамидуллани кўриш баҳонасида унинг ўғли Ҳикматиллани ҳам ёнимга олдимда унга юқоридаги ривоятларни айтиб бердим. Ҳикматилла ўйлиниб қолди.

ИНСОФНИ УНУТМАНГ

Ҳаёт бор экан, инсон доимо шошади. Хотиржам юрган ҳолати қамдан-кам бўлади. Хоҳ йўлда, хоҳ уйда бўлсан худди бирор зарур юмушинг қолиб кетаётгандек шошилсан. Боз устига шундай пайтда ҳамёнинг кўтарса-кўтармаса энгил машина тўхтатиб манзилнингга тезроқ етишни кўзлайсан. Лекин афсусли «хизмат ҳақи» сен кутганидан қимматроқ.

Яқинда ўзимиз ҳам шундай ҳолатни бошдан кечирдик. Зарур юмуш билан кўчага чиқиб энгил машинага ўтироқчи бўлдик. Бекатда турнақатор машиналар йўловчилар хизматида шай туришибди.

— Келинг отахон, қаерга борасиз,— дейди навбатда турган ҳайдовчи.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

Бир даврада донишманддан:

— Сиз кўпни кўрган устоз аломасиз. Айтингчи, болалар қандай қилиб бахтли бўлишлари мумкин? — деб сўраганида у:

— Агар бола ота-онасининг галига қулоқ солса, уларнинг айтган йўлидан чиқмаса, берган маслаҳатларини жон деб қабул қилса, уларга шунчаки қулоқ солиб қўя қолмай, бутун кучи билан амал қилишга уринса ва доимо ёдида тутса, бундай бола катта бўлганда албатта бахтли бўлади.

Яна ундан:

— Болалар қандай қилиб бахтсиз бўлиб қоладилар? — деб сўраганида у:

— Агар бола ўз отасининг беғараз, чин кўнгилдан меҳрибонлик қилиб айтган сўзларига қулоқ солмаса, берган маслаҳатларини қулоққа олмаса, бошқаларнинг панду насихатларини тингламаса, бора-бора йўлдан адашади. Оқибат натижада бахтсиз бўлиб қолади. Бахтсиз болалар катта бўлганларидан кейин ўз бахтсизликларига ўзларини айбдор ҳисобламай, ота-оналарига тўхмат тошларини отишади. Бахтсизликларининг сабабчиси қилиб уларни кўрсатишади.

Шунда даврада ўтирган ийигитлардан яна бири алломага:

— Менинг фарзанд кўргангима уч кун бўлди айтингчи унинг тарбиясига қачондан бошлаб киришимиз керак? — деб савол билан мувожаат қилганида, аллома:

— Аттанг, сиз фарзандингиз тарбиясига уч кун кечикибсиз.

— Ўрикзорга бормоқчи эдик.

— Олиб борардимки бироз чанроқда. Хизмат ҳақидан қочмангиз майли ўзогингни яқин қиламиш.

— Айтинг, йўл ҳақи қанча?

— Уч минг сўм берасиз.

— Жуда қимматку.

— Бориб-келиш бензин пулини қоплаш керакда, отахон.

Нари кетдик. Лекин қанча сўраб-суриштирмайлик қатор турган машина ҳайдовчиларининг оғзидан бир хил баҳони эшитдик. Тавба дейимиз ўзимизга ўзимиз. Энгил машиналарнинг кира ҳақи ҳам худди сабазот маҳсулоти сотилгандаги бозордагидек бир хил нарҳда бўлиб кетибди-да.

Хайрият, ҳайдовчилар орасидан инсофлироғи ҳам топилди. 2,5 минг сўмга манзилимизга элтиб қўйдиган бўлди.

— Лекин айтиб қўяй, Ўрикзордан бир қадам ҳам нари юрмайм.

— деди у олдиндан шарт қўйиб.

Рози бўлдик. Ҳайдовчининг омади бор экан шекилли, биздан ташқари машинага яна уч нотаниш кишилар ўтирди. Улар келишилган пулни тўлаб йўл-йўлақай тушиб қолишди. Мен эса ўйланаман. Яқинда Самарқандга худди шунақа энгил машинада бориш учун ҳайдовчига беш минг сўм тўлагандик. Ахир Самарқанд ҳайдаю Юнусобод билан Ўрикзор оралиғи қайда.

Тўғри, ҳозир ҳар кимнинг аҳволи ўзига маълум. Лекин нима бўлганда ҳам «халқимизнинг «Инсоф сари барака» деган доно иборасини унутмаганимиз маъқул.

— Урикзорга бормоқчи эдик.

— Олиб борардимки бироз чанроқда. Хизмат ҳақидан қочмангиз майли ўзогингни яқин қиламиш.

— Айтинг, йўл ҳақи қанча?

— Уч минг сўм берасиз.

— Жуда қимматку.

— Бориб-келиш бензин пулини қоплаш керакда, отахон.

Нари кетдик. Лекин қанча сўраб-суриштирмайлик қатор турган машина ҳайдовчиларининг оғзидан бир хил баҳони эшитдик. Тавба дейимиз ўзимизга ўзимиз. Энгил машиналарнинг кира ҳақи ҳам худди сабазот маҳсулоти сотилгандаги бозордагидек бир хил нарҳда бўлиб кетибди-да.

Хайрият, ҳайдовчилар орасидан инсофлироғи ҳам топилди. 2,5 минг сўмга манзилимизга элтиб қўйдиган бўлди.

— Лекин айтиб қўяй, Ўрикзордан бир қадам ҳам нари юрмайм.

— деди у олдиндан шарт қўйиб.

Рози бўлдик. Ҳайдовчининг омади бор экан шекилли, биздан ташқари машинага яна уч нотаниш кишилар ўтирди. Улар келишилган пулни тўлаб йўл-йўлақай тушиб қолишди. Мен эса ўйланаман. Яқинда Самарқандга худди шунақа энгил машинада бориш учун ҳайдовчига беш минг сўм тўлагандик. Ахир Самарқанд ҳайдаю Юнусобод билан Ўрикзор оралиғи қайда.

Тўғри, ҳозир ҳар кимнинг аҳволи ўзига маълум. Лекин нима бўлганда ҳам «халқимизнинг «Инсоф сари барака» деган доно иборасини унутмаганимиз маъқул.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 бося табоқ обрест
усули боёвдан
2495 нурсад боёвдан. Қотэ бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва эшма кунлари чикади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрир етказиб берш масалалари бўйича турр жойлардаги
почта буғамларига «ақл «Тошкент почтанинг» — 133-74-05
телефонига мувожаат қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-таббоа акциядорлик компанияси
босмаҳонаси. Корҳона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй